

# Нефть маҳсулотларини түгридан-түгри сотиш

ШАРТНОМАСИ № 22

« 06 » 01 2022 йил

Пастдаром т.

“Мароканд нефт базаси” МЧЖ, кейинги ўринларда «Махсулот сотувчи» деб юритилувчи номидан НИЗОМ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари А.И.Икрамов бир томондан ва Самарқанд МУАР кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилувчи номидан У.А.Туронов низом асосида фаолият юритувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидагилар ҳакида туздилар,

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Махсулот сотувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини бериш, «Истеъмолчи» эса берилган нефт маҳсулотларини кабул килиб олиш ва ҳакини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, нархи шунингдек, бериш муддатлари куйидаги спецификация жадвалида келтирилади.

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Миқдори	Суммаси
Автобензин Аи-80	O'zDst 3031:2015				
Автобензин Аи-91		тн	12044537	16,8	202348221,00
Ўчок ёкилғиси					
Диз.ёнилғиси					
Диз.ёнилғиси ЭКО	O'zDst 1134:2007	тн	12171667	34,8	423574046,80

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Махсулот берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур заҳирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

## 2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ХИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг таҳминий умумий суммаси ККС билан сўмни шундан 15% ККС суммаси ташкил қиласи.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 4 май куни ўтказилган №27-сонли йиғилиш баёнининг 23-бандига асосан бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Махсулот сотувчи» томонидан Бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва галла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, “Тошшахартрансхизмат” АЖ, майиш чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёкилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёкилғиси) ўтган хафтадаги биржга савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртacha биржга нархларида шаклланади.

2.3. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Махсулот сотувчи» томонидан бошқа истеъмолчиларга барча нефт маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводларидан биржга савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари хамда сотиш бўйича нефт база устамасидан шаклланади.

2.4. «Махсулот сотувчи», «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган заҳоти берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қиласи. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли хажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 2 кун ичida амалга оширади. Акс холда «Махсулот сотувчи» нефт маҳсулотлари учун янги жорий нархларни кўллаши мумкин.

2.5. Бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Махсулот сотувчи»нинг банкдаги ҳисоб ракамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## 3. МАҲСУЛОТ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Махсулот сотувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг оширганлигини тасдиқловчи тўлов хужжати нусхаси тақдим этилганда берилади.

3.2. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»нинг хоҳишига қараб (истеъмолчидаги маҳсус автотранспорт воситаси бўлмаган тақдирда) «Махсулот сотувчи»нинг маҳсус автотранспортида белгиланган тартиб ва келишилган кўшимча нархлар асосида етказиб берилади. Нефт маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнгин ва техника хавфзислик талабларига риоя килиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган холда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиб ҳаражатлари келишилган калькуляция асосида қайта кўриб чиқилади.

3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс холда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг кўйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Махсулот сотувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари кўйилган автоцистерналар (Истеъмолчининг автотранспортида олиб кетиши ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Махсулот сотувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. ва 3.2. бандига келтирилган хужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 2 кун ичida етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Махсулот сотувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда ҳабардор килинган холда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

## 4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари миқдор бўйича қабул килиш “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдор жихатдан қабул килиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-б-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ

истемоли молларини сифат жихатдан қабул килиб олиш тартиби тұғрисида”ги П-7-сонли йурикномалар хамда бошка меъерій хужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истъмлчи»нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва микдорини жойда текшириб олади.

4.3. Нефт махсулотларини етказиб берганлик түгрисидаги тегишли хужжатлар «Махсулот сотувчи»нинг омборида ёки унга карашли филиалларда, айрим холларда «Истеъмолчи»нинг худудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт махсулотларини кабул килиб олади. Эгалик хукуки, тасодифий нобуд бўлиши, нефт махсулотларига зиён етиш хавфи «Махсулот сотувчи» омбори ёки АЁКШ худудидан чиккан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

## 5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Махсулот сотувчи», «Истеъмолчига сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини беришни кафолатлайди. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши хамда бу нефт маҳсулотларини маҳсус автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истемолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш хукукига эга.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги конунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Махсулот сотувчи» нефт маҳсулотларини ўз вактида бермаганлик учун ҳар бир кечикирилган кун учун нефт маҳсулотлари сўммасининг 0,1 фоизи, лекин шартнома сўммасининг 10 фоизидан ортик бўлмаган микдорда пени тайдайти.

63. Етказиб берилган “Нефть маҳслотлари” учун ўз вақтида ҳак тўланмаганда Хўжалик Етказиб берувчига муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи микдорида пена тўлади, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.4. «Истельмолч» белгиланган мұддатда олинмаган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бөш тортганлиги учун «Махсулот сотувчи»га олинмаган маҳсулот умумий кийматининг 5 фойзи мікдорида жарима түйәйди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг түйек кийматини үндирип хұксукига ата.

6.5. «Истеммолчи» ўзининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг кабул килишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал килинишинга тўлиқ ишораси кир.

6.6. «Истемолчи» берилган нефт махсулотларини саклашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги конунгларда назарла тутилган тартибда хувос беради.

#### **7. ФОРС-МАЖОР ХОДАТЛАВ**

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор холатлар, яъни енгиг бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, кургокчилик, сув тошкени, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

## 8. БОШКА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган хар кандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишида бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий хисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нұсқада түзилди ва төңг хукукий күнга аз

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва «Истемолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга кўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигигининг худудий разнавалигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал киласи.

## 9. ТОМОНДАРНИНГ ЎРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

## «Махсулот сотувчи»

**«Мароканднефтбазаси» МЧЖ**  
Пастдаргомтумани ,Арабхонакишиллоги  
х/р 22604000000440931701  
МФО 00432 «Узсаноаткүришишбанк» АТБ  
Яшнободфилиали ИИНН 202041686

А.И.Икрамов

**Хуқуқшуноснинг худосаси:** Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 353 ва 354 моддалари ҳамда 437-456-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги Конуннинг 11 бўлим 31, 32, 34-моддалари талабларига жавоб беради

## ХУКУКШУНОС

ИИНМС бұлыми

СТИР  
x/p №  
АТБ “GUVRULARI BOSHQARMASI”  
140300 Сам.тум.Гулобод алоқа булим фли.  
Телефон: 66 612 53-25  
МФО Р/С 20210000300117836121  
Тел.ПСБ Г.Самарканд МФО.00317  
ИНН:200626188 ОКЭД.49500